

МАҲМУД ЗАМАҲШАРИЙНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛИ ВА ДИНИЙ-ФАЛСАФИЙ
МЕРОСИ

Айтбаев Мансурбек Юсупович

*Тошкент давлат аграр университети**Гуманитар фанлар ва ҳуқуқ кафедраси доценти, ф.д. (PhD)*

Аннотация: *Мақолада Маҳмуд Замаҳшарийнинг ҳаёт йўли ва диний-фалсафий мероси, мусулмон Шарқида рационализмнинг ривожланишига қўшган ҳиссаси, унинг фикрлари ислом фалсафаси кенг ёритилиб берилган.*

Калит сўзлар: *Муътазилӣ, ғоя, антик давр, арбоб, илм, фан*

Инсоният цивилизацияси ривожланишининг ҳозирги босқичида кўплаб халқлар ва давлатлар миллий маданий меросини юксалтириш асосида маънавият ва маданият соҳасида мавжуд муаммоларни бартараф этиш долзарб аҳамиятга эга. Инсоният ҳар доим олдинги тарихий даврларнинг маданий тараққиёт тенденцияларига суянади. Фалсафада бу бордаги ғоялар ва тушунчаларни пайдо бўлиши чуқур ва кенг қамровли тадқиқотлар билан чамбарчас боғлиқ. Жамият тараққиётининг ўзига хос босқичларида фалсафий ва диний тафаккурни ўзаро алоқадорликда ўрганиш устувор аҳамият касб этган. Бу жараён жамият ривожланишининг ижтимоий йўлини тўғри танлаш зарурати билан характерланади. Шунингдек, аجدодларимизнинг урф - одатлари ва маънавий-маданий мероси, турли фалсафий тенденциялар ва диний мактабларда шаклланган илмий-фалсафий ғояларни тўғри ҳисобга олган ҳолда иш тутиш муҳим ўринни эгаллайди.

Бизга маълумки, саккизинчи асрнинг биринчи ярмида ташкил этилган, исломнинг энг муҳим диний мактабларидан бири бўлган муътазилиянинг келиб чиқиши ҳақида кўп нарса маълум эмас. Муътазала атамасининг келиб чиқиши ҳақида муайян яқдил ёндашувлар мавжуд бўлсада унинг дастлабки манбалари борасидаги қарашлар хилма хилдир. Айнан бу оқимнинг келиб чиқиши ҳақида бугунги кунда тўрт хил нуқтаи назар илгари сурилади: Булардан биринчиси дунёвий истаклар, завқ ва гуноҳлардан тийилишга асосланади. Шунинг учун, дунёвий ишлардан тийилганларни муътазала деб аташарди. Иккинчи фикр шу мусулмон фуқаролар уруши пайтида бетараф позицияни эгаллаганларга муътазала номи берилган. Учинчи нуқтаи назар, диний тафовутлари туфайли жамиятдан (умматдан) чекинганлар ёки айрилганларга ҳам муътазала деб номи берилган. Ва ниҳоят, тўртинчи фикр муътазала ҳаракати ўша даврдаги жамиятдаги сиёсий сабабларга кўра пайдо бўлган. Таниқли исломшунос олим Ш.Зиёдовнинг фикрича, “Бу оқимнинг вакили Ҳасан ал-Басрий (642–728) муътазилий оқимининг пайдо бўлишига сабабчи бўлган. Ҳасан ал-Басрий таълимоти ривожда ушшг издошлари Восил ибн Ато (ваф. 748 й.) ва Амр ибн Убайд (ваф. 761 й.) кабиларнинг ўрни катта. Улар исломга антик фалсафа ва мантиқнинг метод ҳамда тушунчаларини татбиқ қилнб, мистикани инкор этишга урииб, ислом асосларини рационал талқин этишга ҳаракат қилишган. Муътазилий

таълимоти аббосийлардан Хорун ар Рашид (786–809), ал-Восиқ (842–847) халифалик к.илган даврда эътиқод сифатида танилди. Ал-Мутаваккил (847–861) хукмронлик даврида эса исломга зид бўлган оқимлар сифатида қаттиқ таъқиб остига олннди. Булар натижасида ислом илоҳиёти ўзгача шароитда, яъни ислом анъаналарга зид бўлмаган ҳолда ривожланишни тақозо этди³⁸. Бундай ҳолда, бизнинг тадқиқотимиз мавзуси доирасида Маҳмуд Замахшарийнинг фалсафий ва ахлоқий меросини чуқур ўрганиш долзарб аҳамият касб этади.

Маҳмуд Замахшарий ал-Киндий, Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд ва бошқалар қатори нафақат Шарқда балки бутун Европа ва жаҳон фалсафий тафаккурининг ривожланишига катта таъсир кўрсатган файласуф олимлардан бири ҳисобланади. Маҳмуд Замахшарий мутазилий рационал-фалсафий мактабининг ёрқин вакилларида бири бўлган. Унинг ғоялари мўтазилитизмнинг кейинги барча таълимотларида ўз ифодасини топган. Ал-Замахшарийнинг ажойиб фалсафий ва рационалистик талқинлари ва ислом динидаги мумтоз саволларга кутилмаган жавоблари ҳар қандай тадқиқотчини ҳайратга солади. Шу боисдан ҳам алломанинг илмий-ижодий мероси бизгача тўлиқ етиб келмаган бўлсада мавжуд асарларидаги фалсафий-ахлоқий ғоялар замонавий фалсафий тадқиқотлар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Маҳмуд Замахшарий номи бутун ўрта аср фалсафий тафаккури тарихидаги инқилобий ўзгаришлар билан боғлиқ. Чунки тарихда биринчи марта илоҳиёт тизими антик давр ғоялари билан синтезланиб, ўзига хос тизимни ўз ичига олган метафизика, ахлоқ ва мантиқ билан боғлиқ ҳолда қайта талқин қилинган. Маҳмуд Замахшарийнинг мусулмон Шарқида рационализмнинг ривожланишига кўшган ҳиссасини эътиборсиз қолдириб бўлмайди, чунки унинг фикрлари ислом фалсафаси ва умуман жаҳон фалсафасини ўрганмоқчи бўлган ҳар бир тадқиқотчи учун муҳим аҳамият касб этади.

Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарийнинг тўлиқ исми Абу-л-Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад бўлиб у ҳижрий 467 йилда ражаб ойининг йигирма еттинчисида чоршанба куни (милодий ҳисобда 1075 йилнинг 19 мартда) Хоразмнинг катта қишлоқларидан бири Замахшарда таваллуд топган³⁹. Бу ҳақда алломанинг ўзлари ҳам шундай ёзганлар: «Фақир, Хоразм қишлоқларидан бири Замахшарда таваллуд топганман.»⁴⁰ Тарихчи олимларнинг берган маълумотлари ва Маҳмуд аз-Замахшарийнинг ғазал ва қасидаларига асосланиб, унинг ёшлиги ва оиласидаги маънавий муҳит ҳақида етарлича маълумотга эга бўламиз. Унинг оиласи қишлоқда ўзининг тақво ва ҳалоллиги билан ном қозонган.

Маҳмуд аз-Замахшарийнинг отаси унчалик бадавлат бўлмасада, лекин ўз даврининг саводли, анча тақводор, диёнатли, хулқ-атвори яхши, ширин суҳан ва

³⁸ Зиёдов Ш. Абу Мансур ал-Мотуридий ва калом таълимоти //Ўзбекистонда ижтимоий фанлар журнали 3 сон. - Тошкент, Фан нашриёти, 2000. –Б.33.

³⁹ Муртазо Оятуллозода аш-Шерозий. Аз-Замахшарий луғавийян ва муфассиран. – Қоҳира: Дару-с-сақофа, 1977. 82 б.

⁴⁰ Ёқут ал-Ҳамавий. Муъжаму-л-булдон. – Қоҳира: Дару-с-сақофа, 1980. ж. 19. 400 б.

гоятда муруватли кишиларидан бири бўлган. У киши асосий вақтини Қуръони карим тиловати билан ўтказган ва ҳатто бир масжидда имомлик ҳам қилганлар. Шу боисдан ҳам Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ўз фарзандларини ҳам шу инсоний фазилатлар билан тарбиялашга ҳаракат қилганлар. Шу сабабли ҳам у кишининг оиласи ўша даврда алоҳида эътирофга сазовор бўлганди.

Маҳмуд аз-Замахшарийнинг отаси ҳақидаги маълумотлар унча кўп эмас. Аз-Замахшарийнинг ўзи ҳам бу ҳақда маълумотларни деярли ёзиб қолдирмаган. Унинг ёзишича Муаййид-ал-Мулк (вафоти 1102) отасини қандайдир субъектив сабабларга кўра қамаб қўяди. Маҳмуд аз-Замахшарий отасини ҳибсдан озод қилмоқчи бўлиб Муаййид-ал-Мулкка атаб қасида битади. Ва бу қасидасида отасини ҳибсдан озод қилишини, фарзандлари ва аҳли аёлининг ҳолига раҳм қилишини алоҳида қайд этади. Бироқ, аз-Замахшарийнинг бу қасидаси натижа бермайди ва отаси камоқхонада вафот этади. Шу боисдан ҳам оила ташвишлари ўсмир ва ногирон Замахшарий бошига тушади. Маҳмуд аз-Замахшарий биринчи устози бўлган отасини эслаб марсия ҳам ёзади. Отаси камоқдалигида ёш Маҳмуд аз-Замахшарий узоқ шаҳарда илм талабида юрган эди. Бошига тушган шунча муаммоларга қарамасдан ота ўғли билим олишдан чалғимаслиги учун умрининг сўнгги дақиқаларигача ҳам уни безовта қилмайди. Отасининг вафотидан сўнг оила аъзолари ва яқин қариндошлари ҳам кетма-кет вафот эта бошлайди Абу-л-Вафонинг ёзишича аз-Замахшарий мактаб ёшига етганда оғир касал бўлади. Узоқ муолажалар фойда бермагач, ҳамманинг ундан умиди узилади. Шунда отаси уни Оллоҳга бағишлаб, соғайтиришини ва тузалиб кетгач, Оллоҳ йўлида юрадиган олим ва тақводор бўлишини сўраб дуо қилади. Шундан сўнг унда соғайиш аломатлари кўрина бошлайди.¹

Отаси кўз юмаётган пайтида ҳам ўғлининг олим бўлиши кераклигини айтиб, васиятини унга етказишларини сўрайди. Ибн Халликоннинг ривоят қилишича: «У улғайгач илм талабида Бухорога йўл олди».² Бухоро ўша пайтда: «Шон - шараф макони, мулк каъбаси ва замон ягоналари тўпланган жой, ер юзи адибларининг юлдузлари порлаган ўрин ва дунёнинг фузалоларининг йиғингоҳи эди».³

Маҳмуд аз-Замахшарий онасини юмшоқ табиатли, тақводор, диндор аёллардан бўлган. Ниҳоятда раҳмдил бўлган бу аёл, ҳатто паррандаю қумурсқаларга ҳам озор бермаган. Маълумки, Маҳмуд аз-Замахшарийнинг бир оёғи тиззасининг тепасигача бўлмаган, тўғрироғи кесиб ташланган. Бу ҳақида турли хил фикрлар мавжуд. Ҳақиқатга яқинроғи – фақиҳ ад-Домғоний ундан оёғининг чўлоқлиги сабабини сўраганда у ёшлигида отдан йиқилиб оёғи синганлигини, бундай бўлишига сабаб онасининг қарғиши эканлигини айтади.¹ Бу машум воқеани Маҳмуд аз-Замахшарий шундай ҳикоя қилади: «Болалигимда бир чумчүкни тутиб олдим, оёқларини маҳкам боғладим, бироқ чумчүк кўлимдан чиқиб кетиб девор орасига кириб бекинди. Мен уни индан тортиб чиқариб олдим. Оёғига боғланган ип сиққани натижасида қушнинг

¹ Абул Вафо ал-Қураший. Ал-Жаваҳиру-л-музйа. – Байрут: Дару-л-китаби-л-Лубнаний, 1990. ж. 2. 161 б.

² Ибн Халликон. Вафаяту-л-аъян. - Қоҳира: Дару-с-сақофа, 1978. ж. 2. 107 б.

³ Ас- Саъолибий. Ятиматуд даҳр. - Қоҳира: Дару-с-сақофа. 1988.ж. 4. 101 б.

¹ Ибн Халликон. Вафаяту-л-аъян. - Қоҳира: Дару-с-сақофа, 1978.ж. 2. 510 б.

оёғи узилиб тушди. Буни кўрган онам қаттиқ хафа бўлиб: «Сен қушни оёғини кесганинг каби худо ҳам сенинг оёғингни кессин», - деб мени қарғади». Маҳмуд аз-Замаҳшарий Хоразм ва Бухорода умрининг анча қисмини илм олишга сарфлайди. У замонасининг барча илмларини ўрганишга ҳаракат қилади. Шайхларнинг хонақоларига боради, масжид ва мадрасаларда сабоқ олади. Ўз даврида машхур бўлган фикҳ, ҳадис, тафсир, тавҳид, фалсафа ва мантиқ илмларини чуқур ўрганади.

Ёш Маҳмуд аз-Замаҳшарий фақирона кун кечирди, бироқ фақирлик ва қўли қисқалик илмга бўлган рағбатини сўндиролмади. У шаҳардан - шаҳарга, мамлакатдан мамлакатга ўтиб, илм излади. Замонасининг энг олди олимлари қўлида таҳсил олади. Илм истагида Нишопурга келди ва шу ерда анчагача қўним топди. Шу ерда ад - Домғоний билан учрашди.² Сўнг яна Бухоро ва Хуросонга қайтди³. У Хуросон халқи тўғрисида шундай деб ёзган эди: «Хуросон аҳлида учратмаган нарсамни учратдим»¹.

Маҳмуд аз-Замаҳшарий Хуросонни, ундаги сиёсий ҳокимият субъектлари - давлат арбобларини мадҳ қилади, хатто уларга атаб қасидалар ёзади. Бу арбоблардан баъзилари билан яқиндан танишади. Улардан бири салжуқий Тож-уд-Давланинг ноиб Музейр-уд-Давла Абу-л-Фатҳ Али ибн ал-Урдустоний бўлган. У киши ўз даврининг машхур котибларидан бўлган. Аз-Замаҳшарий ўзининг энг яхши асарларидан бири бўлган «Шарҳу абйати Сибавайҳ» («Сибавайҳ байтларининг шарҳи») ва «Ал-Анмузаж фи-н-Наҳв» («Грамматикадан намуналар») номли асарларини унга бағишлаб ёзди. Хуросондан чиқиб Исфаҳонга - салжуқий подшо Абу-л-Фатҳ Маликшоҳ ҳузурига йўл олди.² Унга атаб аввалроқ келтириб ўтганимиз қасидани битади. Бундан ташқари ўша даврнинг машхур шаҳарларидан бири Марвга боради.³ У Хуросоннинг кўплаб шаҳарларида бўлади. Илм олиш билан бир қаторда Замаҳшарий кўплаб илмий баҳс-мунозараларда ҳам қатнашади. Балоғат ёшига етгунгачалик бўлган умри унинг ўзига хос дунёқарашини шакллантиради. У ўн ёшидан йигирма беш ёшигача бўлган умрини тўлиқ илм олиш учун сарфлайди. Барча имконияти ва қобилиятини айни шу эзга мақсадга йўналтиради. Маҳмуд аз-Замаҳшарий тинимсиз шаҳарма - шаҳар, юртма - юрт юриб, замона шайхлари, олимлар билан қизгин мулоқотга киришади. У ўша даврда яшаб ижод этган олимлар олдида тавозе ва одоб билан ўтирар, уларнинг ҳурматини жойига қўяр, ўзи билмаган нарсаларни билиб олишга интилади. Маҳмуд аз-Замаҳшарийнинг илмга бўлган завқ-шавқи шунчалик улкан эдики, хатто бу завқ уни кексалигида ҳам тарк этмаганди. Кексайганида ҳам Мисрлик Абу Мансур Насрдан адабиётни ўрганган.¹

Маҳмуд аз-Замаҳшарий ўз устозлари ҳақида кўп маълумот қолдирмаган. Замаҳшарийнинг биринчи устози ўз отаси бўлган бўлса, кейингиси Маҳмуд ибн Жарир аз - Заббий ал-Исфаҳоний (Абу Музар) (вафоти 1114) бўлган. Аллома у

² Ас-Суютий. Бағъату-л-вуйат. - Қоҳира: Дару-с-сақофа, 1982. ж. 1. 388 б.

³ Ёқут ал-Ҳамавий. Муъжаму-л-удаба. - Қоҳира: Дару-с-сақофа, 1980. ж. 19. 152 б.

¹ Дивану-з-Замаҳшарий. - Қоҳира: Дару-л-кутуби-л-мисрийя, № А-529. с. 41

² Муртазо Оятуллозода аш-Шерозий. Аз-Замаҳшарий луғавийян ва муфассиран. - Қоҳира: Дару-с-сақофа, 1977. 35 б.

³ Абдулкарим ас-Самъоний. Насабнома (Ал-Ансоб). - «Бухоро» нашриёти, 2003. 131 б.

¹ Ибн Халликон. Вафаяту-л-аъян. - Қоҳира: Дару-с-сақофа, 1978.ж. 2. 107 б.

кишидан адаб, иъроб (грамматик таҳлил), калом ва тавҳид илмини ўрганган. Замаҳшарийнинг муътазила оқимини танлашида ҳам Маҳмуд ибн ал-Жарирнинг хизмати катта бўлган. Маҳмуд ибн ал-Жарирни «Аср ягонаси» деб атардилар. Ва у вазир Низомул Мулкнинг энг яқин суҳбатдошларидан эди. Айнан унинг тарбияси билан жуда кўп олимлар етишиб чиқади. Эътиқоди жиҳатидан муътазилий бўлган бу олим Хоразмда муътазилийанинг ёйилишига асосий сабабчилардан бўлган. У Хоразмда яшаб шу ерда вафот этган.

Маҳмуд аз-Замаҳшарий бу устозига атаб марсия ҳам ёзган. Замаҳшарийнинг кейинги устози Шайх Абу Али аз-Зарир бўлиб, аллома ундан адабиёт ва грамматикани ўрганган.² Маҳмуд аз-Замаҳшарийнинг яна бир устози Шайх ас-Садид ал-Ҳаётий бўлиб, ундан фикҳни ўрганган. Аз-Замаҳшарий Абу ас-Саъд ал-Муҳсин ибн Муҳаммад ибн Қарамат ал-Жашамий ал-Байҳақий (1033-1072) бўлиб, у киши ўз даврида машҳур бўлган «Ат-Таҳзиб» номли тафсир ёзган ва бу тафсир замонасигача бўлган бошқа Қуръон тафсирларидан тартиби ва тузилиши билан фарқ қилган. Айтилишича, аз-Замаҳшарий «Ал-Кашшоф»ни айнан шу усул ва тартибда ёзган. Маҳмуд аз-Замаҳшарийдан илми тафсирни Рукнуддин Муҳаммад ал-Усулийдан ўрганган.

Маҳмуд аз-Замаҳшарий Хоразмдан ташқарида Абу Бакр ибн Талҳа ибн Абдуллоҳ ал-Йабарий ал-Андалусий (вафоти 1124)дан ҳам таҳсил олган.¹ Шунингдек, Аз-Замаҳшарий шайхул ислом Абу Мансур ибн ал-Жуволиқий билан Бағдодда учрашади. Бу ҳақда ал-Қифтий унинг шогирди ал-Киндийдан шундай ривоят қилади: «У Бағдодга – бизнинг олдимизга 533 (1139) йилда келди. Мен уни шайхимиз Абу Мансур ал-Жуволиқийнинг олдида тил ва унинг қоидаларига оид бўлган айрим китобларни ўқиб бераётганида икки маротаба кўргандим. У шайхимизга ундаги илмни ҳеч қаерда учратмаганини ва эшитмаганини айтиб турарди.» Ал-Жуволиқий илми адабда беназир эди. Хатиб ат-Табризийдан кейин Низомийа мадрасасида дарс берарди. У 555 (1161) йилда дунёдан ўтди.²

Маҳмуд аз-Замаҳшарий илм-фаннинг турли жабҳаларида самарали ижод қилиб, элликка яқин асарлар ёзади. Унинг асарлари асосан, диний илмлар, луғатшунослик, грамматика, аруз, адабиёт, мантиқ каби фанларга оид бўлиб, улардан энг машҳурлари «Ат-Вақу-з-Заҳаб» («Олтин шодалар»), «Ан-Насоиху-с-сиғар» («Кичик насиҳатлар»), «Ан-Навобиғу-л-калим» («Нозик иборалар»), «Аш-Шофи ал-ай» («Оғриқларни даволовчи китоб»), «Ал-Мустакси фи амсали-л-араб» («Араб мақолларини тадқиқ этувчи китоб»), деб номланади. Аллома «Тафсирни ниҳоясига етказиши билан «Рабиъу-л-аброр» («Яхшилар баҳори»)ни, ундан сўнг «Асосу-л-балоға» («Сўз санъати асоси») ни, сўнгра «Аъжабул ажаб фи шарҳи ломийатил араб» («Арабча лом ҳарфини шарҳлашдаги ажойиботлар») номли китобларини таълиф этади. Алломанинг Қуръони карим тафсири бўлмиш «Ал-Кашшоф»нинг тошбосма нусхасини нашр қилдирган Шайх

² Муртазо Оятуллозода аш-Шерозий. Аз-Замаҳшарий луғавийян ва муфассиран. – Қоҳира: Дару-с-сақофа, 1977. 92 б.

¹ Ас-Суютий. Бағъату-л-вуъат. – Қоҳира: Дару-с-сақофа, 1982. ж. 1. 288 б.

² Ал Қифтий. Анбаур рувват. – Байрут: Дару-л-китаби-л-Лубнаний, ж. 3. с. 270

Иброҳим ад-Дусуқий ва асарга хотима ёзган Миср амирлиги босмаҳонасининг муҳаррири Той ибн Муҳаммад «У адабиётда замонасининг подшоҳи аҷамлар (араб бўлмаган халқлар) орасида араблар шайхи, араб тили ва балогат илмида Сибавайх (796й. вафот этган) кабидир» деб алломанинг илмига юксак баҳо берган эди. Маҳмуд аз-Замаҳшарий 1144 йил Журжоний (ҳозирги Урганч)да вафот этади.

Маҳмуд аз-Замаҳшарийнинг диний-фалсафий дунёқараши ислом дини қарор топганча мавжуд бўлган турли халқларнинг диний-фалсафий фикрлари билан бойиган ғоялар ва уларнинг урф-одатлари таъсирида шаклланиб, диний ақидаларни ақл торозуси ва мантиқ услублари билан ёритишга қаратилган муътазилийлар (арабча «ажралган») таълимоти билан ҳамоҳанг бўлган эди. Чунки айнан «VII асрда ҳуқуқшуносликда ва илоҳиётда рационалистик йўналишлар бошланиб, илоҳиёт соҳасидаги бундай мактабларнинг биринчиси муътазилийлар эдилар. Улар Аббосийлар халифалигининг дастлабки даврларида ижобий кўринишда бўлди, уларнинг таълимоти Аббосийлар сиёсатининг тарғиботида асосий роль ўйнайди».

Абу-л-Қосим аз-Замаҳшарий ҳаётидаги узлатга чекиниш 1119 йилдан бошланган ва умрининг охиригача давом этган. Мазкур йилнинг ражаб ойида у оғир хасталикка учрайди. Беморликда кўрган туши унинг фаолият принципларини ўзгартириб, узлатни танлашига сабаб бўлди. Аз-Замаҳшарийнинг ўзи бу йилни «огоҳлантирувчи» йил деб номлайди.¹ Унда жамиятда кечаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан бефарқлик ҳолата вужудга келади. Шу йилдан бошлаб у ҳаммадан ўзини олиб қочади. Аллома ёлғизликка интиларди. Чунки айни шу йилда у ўзининг машҳур «Мақомот»ини ёзиб тугатади. Кейин «ал-Муфассал» асарини таълиф қилишга киришиб, 1122 йилда уни ҳам ниҳоясига етказди.² У самарали ижодини давом эттиради. Бир йилдан сўнг – 1223 йилда «ал-Фоиқ фи ғарибил ҳадис» номли китоби дунё юзини кўради.³ «Ал-Фоиқ»ни ниҳоясига етказгач, аз-Замаҳшарийда ватани Хоразмга қайтади.

Маҳмуд аз-Замаҳшарий ватанига қайтиб чексиз ҳурмат ва иззатга сазовор бўлади. Ўз юртининг олимлари, давлат арбоблари билан ҳам қизғин мулоқотда бўлади. Аз-Замаҳшарий юрти Хоразмда икки йилга яқин яшайди. Аллома ўз даврининг машҳур шоҳи Ануштагин (вафоти 1128) билан учрашади.⁴ Унинг илм аҳлига қилаётган яхшиликларини мактаб унга қасида ёзади. Аллома Хоразмда узоқ кўним топиши ҳам мумкин эди. Бироқ бу орада Макка ҳокими Ибн Ваҳҳос унга мактуб йўллаб, яна Маккага қайтишини сўрайди. Ўз илми ва салоҳиятини янада сайқаллашни истаган аз-Замаҳшарий Маккага дарров қайта қолмади. У аввал Шомга борди. Ундаги илм-фан намоёндалари ва сиёсий ҳокимият вакиллари билан мулоқот қилади.

¹ Муқаддима. аз-Замаҳшарий с. 2

² Вафаяту-л- аъян. Ибн Халликон с. 435

³ Муртазо Оятуллозода аш-Шерозий. Аз-Замаҳшарий луғавийян ва муфассиран. – Қоҳира: Дару-с-сақофа, 1977. 113 б.

Муртазо Оятуллозода аш-Шерозий. Аз-Замаҳшарий луғавийян ва муфассиран. – Қоҳира: Дару-с-сақофа, 1977. 116 б.

Маккага қайтгач, Ибн Ваҳҳос аз-Замаҳшарийни жамиятда маълум мавқега эга шахсларга нисбатан қилинадиган ҳурмат-иззат билан кутиб олади. Аз-Замаҳшарий Замзам булоғи ва Мақоми Иброҳим ўртасида жойлашиб, жаҳон фани ва маданиятига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган кўплаб асарларни яратади.² Макка амирининг аз-Замаҳшарийга нисбатан тутган позицияси унинг ижтимоий имкониятларини ривожлантириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Зиёдов Ш. Абу Мансур ал-Мотуридий ва калом таълимоти //Ўзбекистонда ижтимоий фанлар журнали 3 сон. - Тошкент, Фан нашриёти, 2000. –Б.33.
2. Муртазо Оятуллозода аш-Шерозий. Аз-Замаҳшарий луғавийян ва муфассиран. – Қоҳира: Дару-с-сақофа, 1977. 82 б.
3. Ёқут ал-Ҳамавий. Муъжаму-л-булдон. – Қоҳира: Дару-с-сақофа, 1980. ж. 19. 400 б.
4. Абул Вафо ал-Қураший. Ал-Жаваҳиру-л-музӣа. – Байрут: Дару-л-китаби-л-Лубнаний, 1990. ж. 2. 161 б.
5. Ибн Халликон. Вафаяту-л-аъян. - Қоҳира: Дару-с-сақофа, 1978. ж. 2. 107 б.
6. Ас- Саъолибий. Ятиматуд даҳр. - Қоҳира: Дару-с-сақофа. 1988.ж. 4. 101 б.
7. Ибн Халликон. Вафаяту-л-аъян. - Қоҳира: Дару-с-сақофа, 1978.ж. 2. 510 б.
8. Ас-Суютий. Бағяту-л-вуъат. - Қоҳира: Дару-с-сақофа, 1982. ж. 1. 388 б.
9. Ёқут ал-Ҳамавий. Муъжаму-л-удаба. - Қоҳира: Дару-с-сақофа, 1980. ж. 19. 152 б.
10. Дивану-з-Замаҳшарий.- Қоҳира: Дару-л-кутуби-л-мисрийя, № А-529. с. 41
11. Муртазо Оятуллозода аш-Шерозий. Аз-Замаҳшарий луғавийян ва муфассиран. – Қоҳира: Дару-с-сақофа, 1977. 35 б.
12. Абдулкарим ас-Самъоний. Насабнома (Ал-Ансоб). – «Бухоро» нашриёти, 2003. 131 б.
13. Ибн Халликон. Вафаяту-л-аъян. - Қоҳира: Дару-с-сақофа, 1978.ж. 2. 107 б.
14. Муртазо Оятуллозода аш-Шерозий. Аз-Замаҳшарий луғавийян ва муфассиран. – Қоҳира: Дару-с-сақофа, 1977. 92 б.
15. Ас-Суютий. Бағяту-л-вуъат. - Қоҳира: Дару-с-сақофа, 1982. ж. 1. 288 б.
16. Ал Қифтий. Анбаур рувват. – Байрут: Дару-л-китаби-л-Лубнаний, ж. 3. с. 270.
17. Муқаддима. аз-Замаҳшарий с. 2
18. Вафаяту-л- аъян. Ибн Халликон с. 435.
19. Муртазо Оятуллозода аш-Шерозий. Аз-Замаҳшарий луғавийян ва муфассиран. – Қоҳира: Дару-с-сақофа, 1977. 113 б.
20. Муртазо Оятуллозода аш-Шерозий. Аз-Замаҳшарий луғавийян ва муфассиран. – Қоҳира: Дару-с-сақофа, 1977. 116 б.